

## Йўл-Транспорт Ҳодисаларига Оид Ўтказилиши Лозим Бўлган Экспертизаларни Тайинлаш Ва Ўтказилишдаги Муаммолар

Х. Н. Райимов

**Аннотация:** Ушбу мақола йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтида суриштирувчи ёки терговчилар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, амалиётда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойни кўздан кечиришда йўл қўйиладиган камчиликлар, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича суриштирувчи ёки терговчилар томонидан тайинланадиган экспертиза турлари ва экспертлар олдига қўйиладиган саволлар ҳамда экспертиза хулосаси натижасида қабул қилинадиган қарорлар тўғрисида фикр мулоҳазаларга бағишланган.

**Таянч сўзлар:** йўл-транспорт ҳодисалари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш, экспертиза хулосаси натижаларини суриштирувчи ёки терговчининг қабул қиладиган қароридаги аҳамияти.

Дунёда кечаётган бугунги глобаллашув ва техник тараққиёт барча соҳаларда жумладан, автотранспорт тизимида ҳам ўз аксини топапти. Йил сайин замонавий автомобиллар сони ва турининг ортиши йўллардаги тирбандлик бунинг яққол кўрсатиб турибди. Танганинг икки томони бўлгани каби автотранспорт воситаларининг кўпайиши, бир томондан аҳоли учун яхши бўлиб, оилавий муаммоларни ҳал этишда бир қанча қулайликларга эга. Иккинчи томондан эса, бу ҳолат йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги масалаларига таъсирини кўрсатмоқда. Ўз ўрнида йўл қопламалари, йўл чизиқлари ва белгиларининг аҳволи, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидалари талабларига амал қилмасликлари, шунингдек, «Автомобиль – Ҳайдовчи – Пиёда – Йўл – Муҳит» тизимида соатдек аниқ ишлайдиган механизмнинг йўқлиги туфайли кўплаб муаммолар юзага келмоқда. Энг ачинарлиси йўл-транспорт ҳодисалари, автоҳалокатлар сонининг ортиши кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўляпти, ана шундай ноҳуш ҳолат пандемия хавфидан ҳам ошиб кетаётгани албатта барчамизда ташвиш уйғотмоқда.

Шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари ҳузурида мазкур масалаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда юртдошларимизнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган долзарб муаммолар бартараф этиш ва аҳоли учун қулайликлар яратиш жуда муҳим вазифалардан эканлигига алоҳида эътибор қаратган<sup>1</sup>.

Йўлларда транспорт воситалар оқимининг кўпайиши йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятига салбий таъсир кўрсатиб, тирбандликларни юзага келтирмоқда. Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларида иш кунлари, айниқса эрталаб ва кечки вақтларда транспорт воситалар қатновида кучли тирбандликлар ҳосил бўлиб, йўналишдаги жамоат транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиши қийинлашмоқда. Бундай муаммоларни олдини олиш бўйича халқаро тажрибаларга таянадиган бўлсак, кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибасида, марказий шаҳарларда тирбандликни олдини олишнинг самарали ечими сифатида фуқароларнинг

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., <https://lex.uz/docs/3743453>. (Мурожаат вақти: 20.08.2023 й.).

шахсий транспорт воситасидан фойдаланмасликни тарғиб қилиб, шаҳар аҳолисини кўпроқ жамоат транспортдан фойдаланиши тирбандликнинг олдини олишда самаралироқ эканлигини исботлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон қарори<sup>2</sup> ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини замонавий талабларга тўлиқ мувофиқлаштириш ҳамда илмий, методик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-методик таъминлаш, йўлларда эксплуатация-монтаж фаолиятини тартибга солиш ҳамда “хавфсиз йўл” индексини юритиш амалиётини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.07.2022 йилдаги 415-сон қарори қабул қилинди<sup>3</sup>.

Мазкур қарорларнинг қабул қилишдан мақсад битта у ҳам бўлса, Мамлакатимиз аҳолиси ва юртимизга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун сифатли ва ҳар томонлама қулай шароит яратишдан иборат. Ҳозирга кунда йўлларнинг кенгайиши ва сифатини яхшиланиб боришига қарамасдан ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасликлари, шунингдек, транспорт воситалари оқимини ортиши йўл-транспорт ҳодисалари сонини кўпайишига таъсир кўрсатмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаси йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келадиган жараён ҳисобланди. Яъни, йўлларда ҳаракат иштирокчиларидан бирини: пиёда, велосипедчи ёки ҳайдовчиларни йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан ҳаракатланиши йўл транспорт ҳодисасини юзага келишига сабаб бўлади. Ҳар бир йўл-транспорт ҳодисаси бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича айбдор шахсга нисбатан жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши зарур. Бунда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган ваколатли шахс қонуний қарор қабул қилиш учун судга оид тиббий, судга оид автотехника, судга оид транспорт-трасология ва судга оид баҳолаш каби экспертизаларни ўтказиши, иш ҳолатидан келиб чиқиб ваколатли шахслар томонидан бошқа турдаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин.

Республика давлат суд экспертиза муассасаларининг амалий суд-экспертлик фаолиятини таҳлил қилиш ва натижаларни умумлаштириш асосида йўл-транспорт ҳодисалари бўйича автотехника ва транспорт-трасология экспертизаларига оид бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Республика давлат суд экспертиза муассасаларининг амалий фаолияти таҳлиллари натижаларига асосланиб, *йўл-транспорт ҳодисалари бўйича автотехника ва транспорт-трасология экспертизаларни тайинлашдаги муаммолар* сирасига қуйидагиларни киритишни лозим топдик.

**Биринчидан**, содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасини терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида ҳар доим суд экспертизалари ўз вақтида тайинланмайди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотларига кўра, Республика бўйича 2022 йилда 9902 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Ушбу йўл-транспорт ҳодисаларининг 44,9 % пиёдаларни уриб юбориш ҳолатидан иборат. ЙТХларда 2356 нафар инсон бевақт вафот этган, 9606 нафари турли даражадаги тан жароҳати олган.

2023 йилда Республикаимиз йўлларида жами 9839 та йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган, улар натижасида 2282 нафар инсон бевақт вафот этган, шундан 263 нафарини болалар ўлими ташкил қилади<sup>4</sup>. Шу ўринда эътиборингизни бир маълумотга қаратмоқчимиз, 2023 йилда жами

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.04.2022 йилдаги ПҚ-190-сон

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.07.2022 йилдаги 415-сон

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати расмий Веб-сайтидаги статистик маълумотлар.

16 миллиондан ортиқ қоидабузарлик аниқланган. Шулардан 42 мингга яқин ҳолатларда ҳайдовчиларни транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганликлари қайд этилган.

Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан ўтказилган экспертизалар сонига назар ташланса, қуйидагиларни кўриш мумкин. ИИВ ЭКБМ ва унинг қуйи тизимлари томонидан 2022 йил давомида 14834 та, 2023 йил давомида 14575 та судга оид автотехника ва транспорт-трасология экспертизалари ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ ва унинг қуйи тизимлари томонидан йўл-транспорт ҳодисалари бўйича 2022 йилда 15158 та, 2023 йилда 16957 та автотехника ва транспорт-трасология экспертизаси бажарилган<sup>5</sup>. Йўл транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситасига етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш бўйича судга оид баҳолаш экспертизаси ИИВ тизимидаги экспертиза муассасаларида ўтказилмайди, мазкур экспертизалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги РСЭМ ва унинг қуйи тизимлари ҳамда баҳолаш билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, йўл-транспорт ҳодисаларининг сони билан тайинланган суд экспертизалари сони ўртасида номутаносиблик мавжуд. Айрим йўл-транспорт ҳодисалари жараёни мураккаб ҳолатлардан иборат бўлиб, бир иш бўйича такрорий ёки қайта экспертизалар, айримлари бўйича эса 3 ёки 4, баъзида 6 ёки 7 турдаги экспертизалар тайинлашга тўғри келади. Рақамлардан содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳаммаси бўйича ҳам судга оид экспертизалар тайинланмаётганлиги маълум бўлмоқда. Ҳолбуки, суд экспертлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчиликнинг экспертизаларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи қоидалари мазмунида, ишларни судда кўришнинг ўзига хослигини ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Республикаимизнинг амалдаги соҳавий кодексларида аниқ белгилаб қўйилган жуда кўплаб умумий нормалар мавжуд.

Юқоридаги фикрларга биргина Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини мисол қилиб, бу масалани ёритиш мумкин. Мазкур Кодекс суд экспертизаларини тайинлаш тартиби ва асосларини қатъий тартибга солади (22-боб). Судда ишларни кўришнинг турларини мувофиқлаштирувчи соҳавий кодекслар иш учун аҳамиятли маълумотларни махсус тадқиқот орқали олиш мумкин бўлганда, шунингдек керакли маълумотларни олиш экспертиза тайинловчи шахслар ва органларнинг барчага маълум бўлган ва ҳуқуқий ваколатлари доирасидан ташқарида бўлганда экспертиза тайинланиши зарурлигига асосланади<sup>6</sup>.

Шу билан бир вақтда, суд экспертизаларини тайинлаш тартиби ҳар бир процесс турида бир қатор ўзига хосликка эга. Жумладан, Жиноят процессида “Башарти, иш бўйича ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини; жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳолини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини; жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг ҳисобот ҳужжатларидан.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 172-модда. // Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тўплам / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: – Т., 2014. – 1056 б.

бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эса сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини; таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини; гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва уларнинг тури мавжудлигини; пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини; портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт. Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шартлиги белгиланган”<sup>7</sup>.

**Иккинчидан**, экспертиза тайинлаётган шахс (орган) томонидан йўл-транспорт ҳодисалари бўйича судга оид автотехника ва транспорт-трасология экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда эксперт олдиға ҳал қилиш учун қўйиладиган саволлар нотўғри шакллантирилган ёки экспертнинг ваколатига кирмайдиган ёхуд ҳуқуқий мазмундаги саволлардан иборат бўлган ҳолатлар. Суд экспертизаларини тайинлашда, экспертлар олдиға ҳал қилиш учун қўйиладиган саволлар экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасида бўлиши, ҳуқуқий тусға эға бўлмаслиги лозим. Мисол учун, кўп ҳолларда судга оид автотехника экспертизаси қарорларида ҳайдовчи юзаға келган хавфни олдини олиш учун техник имкониятиға эға бўлганми ёки ҳайдовчи ҳаракатиға хавф пайдо бўлган вақт аниқлансин деган мазмундаги саволлар эксперт олдиға қўйилади. Ваҳоланки, бундай саволларға жавоб бериш экспертнинг ваколат доирасиға кирмайди. Саволда хавф пайдо бўлган вақт аниқ кўрсатилиши лозим. Масалан, хавф пийданинг ҳаракат йўналишини ўзгартирган жойдан ёки автомашина йўлнинг четида тўхтаб турган жойидан бурилишни бошлаган вақтдан пайдо бўлган деб кўрсатиш лозим. Ушбу ҳолатларда босиб ўтилган йўл билан ҳаракат тезлик ҳақидаги маълумотлар тақдим этилиши мақсадға мувофиқ. Ундан ташқари, юқорида кўрсатилган яъни, ҳайдовчи ҳаракатиға хавф пайдо бўлган вақтни аниқлаш ҳайдовчининг ҳаракатларига ҳуқуқий томондан баҳо бериш билан боғлиқ. Бундай баҳони бериш экспертнинг ваколат доирасиға кирмайди. Ушбу вазиятларда суриштирувни ёки терговни олиб бораётган ходим ўзидан тажрибаси катта терговчи ва суриштирувчилардан маслаҳат олиб ишни тўлақонли олиб бориши иш материалларини судда кўриладиган вақтида бўшлиқлар қолмаслигини кафолатлайди.

**Учинчидан**, йўл-транспорт ҳодисаларига суд-автотехника ва транспорт-трасология экспертизалар тайинлашда суд экспертиға тадқиқот объектлари ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа бир қатор материалар (суд-тиббий экспертизасининг хулосаси ёки дастлабки тиббий кўрик маълумотномаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва ҳ.к.) тақдим қилинмайди. Айрим ҳолларда эса тадқиқот объектини дастлабки кўздан кечириш жараёни экспертиза тайинлаган орган (шахс) томонидан ташкил қилинмайди.

Суд экспертизаларини тайинлашда тадқиқот объектларининг тақдим этилмаслиги ёки етарли даражада тақдим этилмаслиги ўтказилаётган экспертиза тадқиқотларининг сифатиға салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтириб ўтилган камчиликлар билан экспертизаларни тайинлаш ҳамда тадқиқотларни бажарилмаслик кўрсаткичлари йилдан йилға ортиб бормоқда. Шунингдек, охири даврларда йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган 2 та транспорт воситалари алоҳида алоҳида жойларда сақлаш ҳолатлари амалиётда кўп учрамоқда. Баъзан, ишни кўриб чиқаётган суриштирувчи ёки терговчида транспорт воситаларини сақланаётган жой тўғрисидаги маълумотларни етарли эмаслиги ёки транспорт воситаларини экспертизадан

---

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 173-модда. // Ўзбекистон Республикаси кодекслари: тўплам. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: – Т., 2014. – 1056 б.

ўтказмасдан туриб қисман ёки тўлиқ таъмирланиши каби ҳолатлар ўзига хос муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммолар таъмирланган транспорт воситасига етказилган моддий зарарни ёки транспорт воситаларининг тўқнашув вақтида қайси қисмлари билан қандай бурчак остида тўқнашганлигини аниқлашнинг имконини бермайди.

**Тўртинчидан**, йўл-транспорт ҳодисаси – жуда мураккаб жараён ҳисобланади ва уни кўриб чиқишда кўплаб баҳсли ҳолатлар юзага келади. Д.Ш. Мусинанинг фикрича “динамик” – ўзгарувчан, яъни одамлар ҳодисани кўриб турган бўлсалар ҳам, жуда кўп ҳолатлар, айрим деталларга эътибор берилмай қолинади<sup>8</sup>. Бу фикрларга қўшилиш мумкин, чунки, бу ҳодиса жуда тез юз беради. Шу сабабли, бу турдаги ҳодисаларни текширишда, юз берган ҳодисани қайта тиклаш зарурати юзага келади. Шу ўринда амалиётда учраган бир мисолни келтирмоқчиман. 2023 йилнинг октябрь ойида Навоий шаҳар, И.Каримов кўчаси бўйлаб Кармана тумани томондан Навоий шаҳар томон мазкур йўлда белгиланган тезликдан юқори тезликда ҳаракатланган “Ласетти” русумли автомашина ҳайдовчиси, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келиб, йўлнинг ўнг томон четидан ҳаракат йўналишини қайрилиш учун ўзгартириб орқага қайрилиб олаётган “Кобалт” русумли автомашина билан тўқнашув содир қилган. Мазкур тўқнашув натижасида “Ласетти” автомашина ҳайдовчиси бошқарувни эплай олмасдан, йўлнинг ўнг томон четига чиқиб кетган ва пиёдалар йўлакчасида турган икки нафар фуқароларни уриб юборган. Ушбу йўл транспорт ҳодисаси арафасида “Ласетти” автомашинасини орқасидан ҳаракатланиб келаётган иккинчи “Ласетти” русумли автомашина ҳам “Кобалт” русумли автомашина билан тўқнашиб кетган, ҳолат юзасидан суриштирув олиб бориш вақтида гувоҳлар ҳамда “Кобалт” русумли автомашина ҳайдовчиси иккинчи тўқнашувни содир этилмаганлигини маълум қилишган. Транспорт воситаларини кўздан кечириш билан боғлиқ эксперт текшируви жараёнида “Кобалт” русумли автомашинаси билан иккита транспорт воситаси тўқнашганлигини аниқланган. Бундай мисолларни амалиётдан кўп учратиш мумкин. Йўл транспорт ҳодисасининг қисқа вақт давомида жуда тез содир этилиши сабабли инсоннинг кўриш органи барча ҳолатларни тўлиқ кўришнинг имконини бермайди. Ҳодисани тўлиқлигича ойдинлаштириш учун йўл четигаги бино иншоотларда ўрнатилган кузатув камералари ёки транспорт воситаларида ўрнатилган видеорегистраторларнинг ўрни бекиёсдир.

Юқоридагиларга асосланиб, йўл-транспорт ҳодисалари бўйича судга оид автотехника ва транспорт-трасология экспертларини ўтказишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин. Булар,

- йўл транспорт ҳодиса содир бўлган жойни сифатли ва ҳар томонлама тўлиқ кўздан кечириш, барча объект ҳамда изларни тўлиқ чизма ва баённомада кўрсатиш (*урилиш нуқтаси кўп ҳолларда фақатгина доира ичида “х” белгиси билан белгиланиши билан чекланади, тўқилмалар ва қирилишлар тўлиқ кўрсатилмайди*);
- мураккаб турдаги, яъни икки ва ундан ортиқ транспорт воситаларининг тўқнашуви, ёки икки ва ундан ортиқ одам ўлими билан тугаган йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатига автотехник экспертларини мутахассис сифатида жалб қилиш амалиётини йўлга қўйиш;
- транспорт воситаларига айниқса шаҳарлараро қатновчи транспорт воситаларига *видеорегистраторлар*, серкатнов йўллар ҳамда чорраҳаларда кузатув камералари ўрнатилиши бўйича тегишли тадбирларни ўтказиш;
- давлат суд экспертиза муассасалари экспертлари ва йўл-транспорт ҳодиса бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган ваколатли шахслар ҳолат бўйича тайинланадиган экспертизалар бўйича эксперт олдига

<sup>8</sup> Д.Ш. Мусина. Пути решения задач по установлению механизма наезда на пешехода методами материаловедческой трасологии / Материалы международной научно-практической конференции «Восток-Запад: партнерство судебной экспертизы. Актуальные вопросы теории и практики судебной экспертизы» (г. Алматы, 6 ноябрь 2014 г.). – Астана, 2014. – 332 с.

ҳал этиш учун қўйиладиган саволлар ҳамда юзага келиши мумкин бўлган баҳс мунозарали ҳолатларни бартараф этиш бўйича идоралараро, яъни, суд экспертизаси ўтказадиган муассасаларнинг мутахассислари иштирокида ягона қўлланма ишлаб чиқиш;

- йўл транспорт ҳодисаларини кўздан кечиришнинг ўзига хос бўлган жиҳатлари, иш бўйича ўтказилиши лозим бўлган экспертизалар транспорт воситасининг ёни билан тегиб кетиш (уринма) ва ўзига хос ғайриоддий шароитларда уриб юборишининг нисбатан кам учрайдиган турлари бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар/Использование литература/ Literature usage:**

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., <https://lex.uz/docs/3743453>. (Мурожаат вақти: 20.08.2023 й.).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-190-сон 04.04.2022 йилдаги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 415-сон 30.07.2022 йилдаги қарори,
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙҚХХнинг статистик маълумотлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва ИИВ ЭКБМнинг ҳисоботлари.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Ўзбекистон Республикаси кодекслари: тўплам. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: – Т., 2014. – 1056 б.
7. *Д.Ш.Мусина*. Пути решения задач по установлению механизма наезда на пешехода методами материаловедческой трасологии / Материалы международной научно-практической конференции «Восток-Запад: партнерство судебной экспертизе. Актуальные вопросы теории и практики судебной экспертизы» (г. Алматы, 6 ноября 2014 г.). – Астана, 2014. – 332 с.
8. Йўл-транспорт ҳодисалари экспертлар нигоҳида / [uz24.uz/society/ygl-transport](http://uz24.uz/society/ygl-transport).
9. <https://uza.uz/posts/2023>.